

Рўза қандай тутилади?

16:31 / 16.05.2018 3776

Савол:

Ассалому алайкум. Мен яқиндагина Аллоҳнинг йўлига кирганман. Рамазон ойида биринчи мартаба рўза тутаман. Илтимос менга маслаҳатлар беринг? (Қандай тутилади, қандай дуолар ўқилади, суннат ва фарзлари ва ҳ.к.)

Жавоб:

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ:

РЎЗАНИНГ МУСТАҲАБЛАРИ

Рўзанинг мустаҳаблари ҳақидаги барча далилларни диққат билан ўрганиб чиққан ҳанафий уламолар қуйидаги амалларни Рўзанинг мустаҳаблар сифатида қайд этганлар:

1. Бирор нарса ила, бир қултум сув билан бўлса ҳам саҳарлик қилмоқ. Саҳарликни кечанинг охиригача сурмоқ.
2. Қуёш ботиши билан тезда, Шом намозини ўқишдан олдин оғизни очмоқ. Ширин ва ҳўл нарса ила оғизни очиш афзал.
3. Оғизни очишда ривоят қилинган лафзлар ила дуо қилмоқ.
4. Рўзадорларга ифтор қилиб бермоқ.
5. Жунублик, ҳайз ва нифосдан қилинадиган ғуслни кечга қўймай тонг отишдан олдин қилиб олмоқ.
6. Ортиқча гап сўз ва амаллардан тил ва жисмларни тиймоқ.
7. Рўзани бузмайдиган аммо ҳузурбахш бўлган нарсаларни тарк қилмоқ.

8. Оила аъзолари ва қариндошларга кенгчилик қилиш. Бева бечора ва камбағалларга хайри эҳсонни кўпайтириш.

9. Қуръон қироати, илм суҳбатлари, зикр ва саловотларни кўпайтириш.

РЎЗА ТУТМАСЛИККА РУХСАТЛИЛАР

Ўта қари шахс рўза тутишдан ожиз бўлса, оғзини очади ва ҳар бир тутмаган куни учун бир мискинга садақаи фитр миқдорида таом беради. Кейин рўза тутишга қодир бўлиб қолса, қазосини тутади. Ҳомиладор эмузукли аёл ўзи ва боласига зарар етишидан қўрқса, бемор хасталиги зиёда бўлишидан қўрқса, мусофир оғизларини очадилар ва фидяси қазо қиладилар. Зарар қилмаса, сафарда рўза тутган афзал. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Ва у(рўза)ни қийналиб тутадиганларга бир мискин таомини бериш» ояти қари чол ва қари кампирга тегишли рухсатдир. Икковлари рўзани қийналиб тутурлар. Улар оғизларини очиб, ҳар бир кун ўрнига бир мискинга таом берурлар. Ҳомиладор ва эмузукли аёллар қачонки қўрқсалар, оғизларини очурлар». Абу Довуд ва Бухорий тафсирда ривоят қилган. Бухорийнинг лафзида: «Ибн Аббос: «Бу оят мансух эмас, балки қари чол ва кампир учундир. Улар рўза тутишга қодир эмас. Бас, ҳар бир кун ўрнига бир мискинни таомлантирурлар», деди» дейилган. Маълумки, Исломда инсонни тоқатидан ташқари ишга таклиф қилиш йўқ. Жумладан, рўза масаласида ҳам. Шу маънода Аллоҳ таоло ўта қариб қолганлари туфайли рўза тутса қийналиб қоладиган чол ва кампирларга рўза тутмасликка рухсат берган. Бу ҳақда «Бақара» сурасида оятлар келган. Биз ўрганаётган ривоятда улўф саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ана шу ояти кариманинг ҳукмини тушунтириб бермоқдалар. Мазкур оятга кўра ўта қари чол-кампирларга рўза тутмасликка рухсат бор ва рўзаси тутилмаган ҳар бир кун эвазига бир мискинга таом берсалар мумкин. Баъзи бир кишилар ўзлари соғ бўлсалар ҳам ёшлари катталиги туфайли рўза тутсалар қийналадиган бўлиб қоладилар. Ана ўшандай кишилар ҳам рўза тутмасалар мумкин. Рўзанинг ўрнига фидя берадилар.

Тўлиқ матн учун манба... (<http://savollar.islom.uz/s/2063>)